Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 4 декабрь пайшанба.
Сотувда эркин нархда. № 245 (1762)

## ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



3 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Жозеф Пресел ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари ишонч ёрлиғини қабул қилар экан, элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлангани билан табриклади.

— АҚШ элчиси сифатида сиздек тажрибали мутахассиснинг Ўзбекистонда иш бошлаши биз учун қувонарлидир, — деди Ислом Каримов. — Бу ҳам АҚШ ҳукуматининг мамлакатимизга алоҳида эътибор қаратаётганидан далолат. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатлар ҳақида гапирганда, аввало, шуни таъкидлаш керакки, ўзаро ҳамкорлигимиз тобора ривожланиб бораётир. Бу ҳолни ҳам сиёсий-иқтисодий, ҳам маданий ҳаётда бирдек кузатиш мумкин.

Жозеф Пресел самимий қабул учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор этди. У Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш АҚШ ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири эканини айтди. Шунингдек, у ўз фаолияти давомида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида бор куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Ишонч ёрлиғини топшириш маросимида Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

**СУРАТДА:** қабул пайти.

**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## МИЛЛАРИ АЙЛАНАДИ. СОАТ. ЧОРШАНБА ХАБАРЛАРИ

### ЭЪТИРОФ

## БАНГКОКДА БАЙРОҒИМИЗ КЎТАРИЛДИ

*Таиланд пойтахти Бангкокда халқаро ипак уюшмаси (ХИУ)нинг XXI конгресси ўтаётган пайтда Ўзбекистон Республикасининг байроғи кўтарилди, — деб хабар беради ЎзА мухбири А. Иванова. "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси ҳамда Тошкентдаги Тўқимачилик ва енгил саноат институти ушбу нуфузли халқаро ташкилотга ҳақиқий аъзоликка қабул қилингани ана шундай нишонланди. Бу ташкилот 23 мамлакат ипакчиларини бирлаштиради.*

*Халқаро ипак уюшмасига Ўзбекистоннинг қабул қилиниши сўнгги йилларда, мустақилликка эришгач, республикамизнинг халқаро майдондаги обрўси анча ошганининг натижасидир, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли бозор ислоҳотлари йўли тўғрилигининг яна бир далилидир. Пиллачилик ва ипакчилик каби қадимий тармоқларда ҳам бозор муносабатларига доир ўзгаришлар амалга оширилмоқда.*

### ҚОЙИЛ!

## БОҒЧАЛАР ЁПИЛМАДИ

*Ҳозир ҳар бир тийин ҳисобли. Айниқса, деҳқончилик хўжаликларининг раҳбарлари йил охирига келиб асабийлашиб қолишади. Чунки...*

*Лекин Сурхондарёнинг Шеробод туманидаги Н. Муродов номли ёпиқ ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси муовини Раъно Жумаева бошқача йўл тутди, — деб хабар берди жамоатчи мухбиримиз Қурбон Жўраназар. — Яъни хўжаликнинг ўзидан чиқадиган пиёз, картошка, сабзавот, мева-чева ва қовун-тарвузлар ҳисобидан 3 та болалар боғчасини таъминлаш ташаббуси билан чиқди. Ва бу ўзини оқлади ҳам.*

*«Бугун болаларимизга минг сўм сарфласак, эртага миллион сўм бўлиб қайтади», дебди жонкуяр опа.*

### АЖАБО

## ҲАММА БИР КИШИ УЧУН

*Ажабланманг, Тошкентнинг Ҳамза туманидаги 3-ижара корхонаси (бошлиғи С. Холметов) раҳбарлари ўша, алмисоқдан қолган эски шиорга янгича амал қилишаяпти. Улар Панельний (?) мавзесида ғалати тажрибани қўллаб кўришмоқда. Яъни қишли-қировли кунлар бошлангач, қайси уйда қарздорлар бўлса, ҳамманинг иссиқ ё совуқ сувларини ўчириб ёхуд тўққиз қаватли уйларнинг лифтларини тўхтатиб қўйиб, уч фаслда ундиролмаган қарзларини энди ундиришмоқчи.*

*Айтинг-айтинг, ишқилиб ҳамзалиқлар «тажриба»си бошқа туманлардаги корхоналарда оммалашиб кетмасин-да...*

### АЛЛО, «ХАЛҚ СЎЗИ»МИ?

## ПУФЛАБ ЮБОРИНГ

*— Мумкин бўлса, бир саволим бор эди?*

*— Марҳамат!*

*— Ҳалимбой Пўлатовман. Ўзим Сирдарёда яшайман. Шофёрлик қиламан. Хизматчилик, ака, куну тун йўлдаман. Гоҳо ярим кечада уйга қайтаман. Бир куни қизиқ бўлди. Қаттиқ шамоллагандим. Иссиғим чиқиб турувди. Ноилож эрталаб йўлга чиқдим. Бошлиғимни Тошкентга йиғинга чақиришган экан. Кеч қайтдик. Ярим йўлда 5-6 нафар ДАНчилар тўхтатишди. Ҳужжатларимни сўради. Бердим. Бирови яқинроқ келди-да, «ичганмисиз?» — деди. «Йўғ-е, ахир...» дейишим билан қўлтиғимдан тутиб, «қани, менга қараб бир пуфланг-чи», — деди. Мен эса ўзимни тортиб, «оғайни, тўғриси, қаттиқ шамоллаганман, тағин сизгаям юқиб қолмасин» десам ҳам, қўймай «алдаяпсиз, ана энди пуфланг» дея ҳоли-жонимга қўймади. Охири пуфлаб юбордим. У «оқ йўл» деди-да, ҳужжатларимни қайтариб берди. Барибир ҳайрон қолдим. Чунки ўзимнимас, ҳалиги ДАНчининг саломатлигини ўйладим. У эса...*

### ...ДАН ГАПИРАМИЗ!

## БИ-БИ-СИ: ЎЗИМИЗНИНГ «ОЛИМП»ИМИЗ

*Унинг номи «Олимп-601». Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган «Олимп» Ўзбек-Америка қўшма корхонаси Шарқий Германиянинг асосан ногиронларга мўлжалланган «Трабант» маркали енгил автомашиналарининг бошқа бир турини Ўзбекистонда ишлаб чиқармоқчи.*

*«Олимп-601» ҳозирча Германиядан келтириладиган ускуналар асосида тайёрланади. Қўшма корхона раҳбарининг айтишича, бу автомобилнинг лойиҳаси жуда оддий ва қулай. Шунингдек, нархи ҳам анча арзон бўлади. Завод тўла қувват билан ишлай бошлагач, бир кеча-кундузда юзтагача машина ишлаб чиқарилади.*

*Ўзбекистондаги бу қўшма корхона 4-5 йилдан кейин «Олимп-601»га ўзимизнинг «Тико»ларимиз моторларини ўрнатишни ҳам режалаштирган.*

**Соат милларини Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.**

### ЛАҲЗА



*Боққил, кўкка зилоллик инди,*
*Болам, танҳо йўлимиз ўша.*

*Бизнинг диллар умидга тўлди —*
*Сен осмонни қучоқлаб яша!*

**Т. КАРИМОВ сурат-лавҳаси.**

## САМАРҚАНД ЗИЁРАТИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Латвия Республикаси Саэйми Раиси Алфредс Чепанис раҳбарлигидаги делегация аъзолари Самарқанд шаҳрига ташриф буюрди. Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев билан бўлиб ўтган учрашувдан сўнг латвиялик меҳмонлар шаҳарнинг тарихий меъморчилик обидаларини зиёрат қилдилар. Гўри Амир, Шоҳи Зинда, Бибихоним мадрасалари, Регистон ёдгорликлар мажмуи, Улуғбек расадхонаси ва хотира музейи уларда катта таассурот уйғотди. Шунингдек, Болтиқбўйидан келган меҳмонлар очиқ турдаги "Сиёб деҳқон бозори" ҳиссадорлик жамиятида бўлдилар.

Латвия парламенти Раиси А. Чепанис бошчилигидаги делегациянинг Самарқандга ташрифи чоғида меҳмонларга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари А. Қосимов ҳамкорлик қилди.

Латвия Республикаси Саэйми делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи 4 декабрь куни ниҳоясига етади.

(ЎзА)

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан ҳамда инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Конституциянинг 93-моддаси 20-бандига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН**:

1. Озодликдан маҳрум қилиш, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолардан қуйидаги маҳкумлар озод қилинсин:

а) иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар, шунингдек Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини бартараф қилишда қатнашган шахслар;

б) аёллар, шунингдек 60 ёшдан ошган эркаклар;

в) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

г) биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари.

2. Биринчи марта қасддан содир этган жиноятлари учун уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган, шунингдек эҳтиётсизлик оқибатида содир этилган жиноятлар учун беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Биринчи марта ҳукм қилинган қуйидаги шахслар жазонинг қолган қисмини ўташдан озод қилинсин:

а) беш йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаганлар;

б) етти йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ўтаганлар;

в) ўн йилгача озодликдан маҳрум қилинган ва тайинланган жазо муддатини камида тўртдан уч қисмини ўтаганлар.

4. Мазкур Фармоннинг биринчи моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

5. Эҳтиётсизлик оқибатида содир этган жиноятлари учун беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этилган шахсларга — ўталмаган жазо қисми ярмига қисқартирилсин.

6. Биринчи марта ўн йилгача озодликдан маҳрум этилган ва жазо муддатининг камида ярмини ўтаган маҳкумлар манзил колонияларга ўтказилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 247, 248-моддаларида, 270-моддасининг 2,3-қисмларида, 271, 272, 273-моддаларида кўрсатилган жиноятларни содир этганларга, ўта оғир жиноятлар учун ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивистларга, шунингдек уюшган гуруҳ ёхуд жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга нисбатан Фармоннинг 1-4, 6-моддалари қўлланилмасин.

8. Жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш тартибида жазодан озод этилган шахсларга нисбатан Фармон татбиқ этилмасин.

9. Фармон матбуотда эълон қилинган кундан кучга киради ва тўрт ой мобайнида ижро этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 3 декабрь.

## ҲАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

3 декабрь куни пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида Халқаро ногиронлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бу ерга вазирлик ва идоралар, корхона ва муассасаларнинг раҳбарлари, жамғармалар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари тўпланди.

Йиғилишда Президент Ислом Каримовнинг Фармонига биноан мамлакатимиз мустақиллигининг олти йиллиги шарафига Ватанимизнинг орден ва медаллари билан тақдирланган бир гуруҳ ногиронларга юксак мукофотларни Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов топширди.

Мукофотланганлар ўз меҳнатларига берилган юқори баҳо, ногиронларга муттасил ғамхўрлик учун республика раҳбариятига миннатдорлик изҳор қилди.

Анжуманда сўзга чиққан республика Ижтимоий таъминот вазирининг биринчи ўринбосари О. Абдуллаева, Олий Мажлис Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси раиси Г. Йўлдошева ва бошқалар мамлакатимизнинг барча фуқаролари қатори ногиронлар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари, ижтимоий ҳаётнинг фаол иштирокчилари, буюк келажак бунёдкорлари эканини таъкидлади. "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг давлат нафақа таъминоти тўғрисида"ги қонунлар, Президентимизнинг қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори бунинг ёрқин далилига айланганини айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, республикада ногиронликнинг олдини олиш, ногиронларнинг меҳнат шароитини, уларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилишни яхшилаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоятларда кўпгина реабилитация марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ногиронларни ўқитиш ва касбга йўналтириш, бунинг учун махсус педагог кадрлар тайёрлаш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Санъаткорлар йиғилиш қатнашчиларини дилбар куй ва қўшиқлар билан хушнуд этди.

(ЎзА)

## РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Аввал хабар қилинганидек, 1997 йил 25 декабрь куни биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессияси ўз ишини бошлайди. Таркиб топган анъанага кўра, парламентнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлардан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Унга Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. А. Шодиева бошчилик қилмоқда.

3 декабрь куни ушбу гуруҳнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда ишчи гуруҳи аъзолари олдида турган вазифалар тўғрисида батафсил фикрлашиб олинди. Гуруҳ раҳбари Б. А. Шодиева қонун лойиҳалари устидаги ишларни жадаллаштириш ва якунига етказиш, лойиҳалар юзасидан тушаётган таклифларни чуқур ўрганиш, уларни муайян тартибга солиб, умумлаштириш ҳамда сессия муҳокамасига ҳавола этиладиган ҳужжатларда ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлади. Қўмиталарда ҳозирги кунда ҳам муайян лойиҳаларни маромига етказиш ишлари қизғин давом этаётган бўлса-да, сессияда кўриб чиқиш мўлжалланаётган қонун лойиҳаларининг муайян қисми депутатларга юборишга тахт қилиб қўйилди.

Мажлисда сўзга чиққан Олий Мажлис қўмиталарининг раислари ва бошқа депутатлар қонунларнинг лойиҳалари устида олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот бердилар. Муҳокама чоғида бир қанча амалий таклифлар, хусусан, 1998 йилги давлат бюджети лойиҳаси, Ер кодекси лойиҳаси ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган қонунларнинг лойиҳалари ҳақида аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ушбу қонун лойиҳаларининг бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ушбу ҳужжатларнинг иложи борича тезроқ ва мукаммал ҳолда қабул қилинишидан нафақат қишлоқ хўжалиги ходимлари, балки барчанинг манфаатдор эканлиги айтилди.

Шунингдек, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ҳам пишиқ-пухта ишлаб чиқиш ва маромига етказиб, мукаммал ҳолда қабул қилиш бутун жамият учун муҳим эканлиги таъкидланди.

Иккинчи ўқишда кўриб чиқиладиган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси матбуотда ва жойлардаги муҳокамалардан сўнг анча маромига етказилгани, у журналистика соҳасида илгари қабул қилинган қонунларга мослаштирилгани, лекин ҳеч бир жиҳати билан уларни такрорламаслиги таъкидланди.

Мажлисда ўнинчи сессия ишини самарали ташкил этиш мақсадида турли йўналишлар бўйича иш олиб борадиган тўртта кичик гуруҳ тузилди. Бу гуруҳларга Олий Мажлис қўмиталарининг раислари Б. Наимов, Ў. Ҳошимов, И. Кочмарик, Х. Тошев раҳбарлик қиладиган бўлди.

Биринчи кичик гуруҳ зиммасига сессия кун тартиби ва Олий Мажлис муҳокамасига киритилаётган бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда фаол қатнашиш, сессия материаллари депутатларга вақтида етказилишини ташкил этиш, сессия қатнашчилари томонидан билдириладиган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни умумлаштиришга доир ишларни бажариш топширилди. Шунингдек, бу кичик гуруҳ сессия Котибиятининг таркибига доир таклифлар, унинг ишини ташкил этиш билан боғлиқ материаллар, сессияга таклиф этиладиганлар таркиби тўғрисида тавсиялар тайёрлаш масалалари билан ҳам шуғулланади.

Олий Мажлис ишини матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио орқали ёритиш, депутатларнинг нутқлари ва сессиянинг бошқа ҳужжатлари эълон қилинишини ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари вакилларининг аккредитация қилиниши, сессия иштирокчиларига ташкилий-техник ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш масалалари билан, Олий Мажлис сессияси парламентнинг янги биносида ўтказилиши билан боғлиқ масалалар билан шуғулланувчи гуруҳлар ҳам вазифаларни аниқ тақсимлаб олдилар.

Йиғилишда сўзга чиққан қўмита раислари — Э. Воҳидов, Ў. Ҳошимов, Г. Йўлдошева, Н. Исмоилов, А. Йўлдошев, А. Аҳадов ва бошқалар сессияга тайёргарлик ишлари, айниқса, бюджет, бошқа қонун лойиҳаларининг муҳокамаси қўмиталарда, жойларда, фракцияларда қанчалик манфаатдорлик билан, қизғин муҳокама қилинаётганлигига қарамай, бу ишлар телевидение, радио ва матбуот саҳифаларида яхши ёритилмаётганлигини афсус билан таъкидлаб ўтдилар.

Йиғилиш аҳли Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси иши самарали бўлиши учун куч-ғайратларини сафарбар этиш ниятида эканликларини билдирдилар.

КОНСТИТУЦИЯНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА

**Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўтган олти йил ичида жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллади. Истиқлол халқимизга ўзлигини намоён қилиш ҳуқуқини берди. Бунда 1992 йил декабрида қабул қилинган Конституциянинг аҳамияти беқиёсдир. Зеро, Асосий Қонунда мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатлари белгиланган.**

# ИСТИҚЛОЛ ҲУҚУҚИ

Бугун демократик тамойиллар, қадриятлар ва жамоатчилик институтлари ҳаётимизнинг барча соҳаларига тобора кўпроқ кириб бормоқда. Бу мамлакатда жамиятни демократлаштириш жараёни изчил бораётганлигидан далолат. Айни чоғда одамларимиз дунёқараши, сиёсий ва ижтимоий онги ўзгариб бормоқда. Биз энди бундан олти йил олдинги одамлар эмасмиз. Бу ҳақиқат жамиятимизнинг турли жабҳаларида яққол намоён бўлмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигининг устунлигидан келиб чиқадиган, халқаро миқёсда қабул қилинган янги юридик тамойил ва талабларга асосланган кенг ҳуқуқий муҳит вужудга келтирилдики, бу Ўзбекистон собиқ тоталитар тузумнинг тазйиқ ва зўравонлигидан халос бўлиб, умуминсоният эътироф этган ҳуқуқий меъёрлар сари улкан қадам ташлаганини кўрсатади.

Шу ўринда таъкидлаш жоиз: бизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари амалдаги Конституцияда тўлиқ кафолатланган бўлиб, **«Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди».** Бинобарин, **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».** Энг муҳими, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

## УМУМИНСОНИЙ ТАМОЙИЛЛАРГА СОДИҚЛИК

Жамиятни демократлаштириш, албатта, осон жараён эмас. Уни изчил олиб боришда халқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилиш катта аҳамиятга эгадир. БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон 1993 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясида тасдиқланган тамойилларга содиқлигини намойиш этиб келмоқда.

Мамлактимиз инсон ҳуқуқлари бўйича аксарият халқаро шартномалар иштирокчиси ҳисобланади. Ҳозирги кунгача йигирмадан зиёд пакт ва конвенцияларга қўшилган Ўзбекистон, шунингдек, 1993 йил 27 ноябрда янги Европа учун Париж Хартиясини ҳам имзолади. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) аъзоси сифатида унинг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (БДИПЧ) уюштираётган тадбирларда ҳам фаол иштирок этмоқда.

Айни чоғда Ўзбекистонда ўтказилган инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг қонуний асосларига бағишланган илмий-амалий конференция халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур конференция натижаси ўлароқ, хорижлик олимлар ва ҳуқуқ ҳимоячилари Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари нафақат конституцион жиҳатдан пухта ҳимоя қилингани, балки у давлат ҳокимияти ва қонуннинг бор қудрати билан ҳақиқий равишда кафолатланганига амин бўлдилар.

## ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТЛАР

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари шаклланган. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман) тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ташкил топди. Олий Мажлис қошида амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаол ҳаракат қилмоқда. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ишлаб турибди. Ҳуқуқшунослар малакасини ошириш маркази, шунингдек, Тошкент юридик институти қошида ҳуқуқий тарғибот маърифат маркази ташкил этилган.

Кейинги вақтларда фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги ишлар сезиларли даражада кучаймоқда. Кўплаб олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курслар киритилди. Бугунга келиб Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг манфаатларини ифода этиши лозим бўлган кенг тармоқли, кўппартияли тизим каби демократик институтлар ҳамда бошқа нодавлат жамоат ташкилотларининг қарор топиши, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг эркин ривожланиши ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

## ИНСОН-ЖАМИЯТ-ДАВЛАТ

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси умуминсоний ғояларга хизмат қилади, дедик. Бу — бор ҳақиқат. Энди кечаги замонни эсга олайлик. Ҳар бир даврга, ҳатто айрим шахсларга ҳам мослаштириб чиқарилган Конституциялар бўларди. Аммо ўша Конституциялар охир-оқибат бир мақсадга — қотиб қолган мафкурага асосланган тузумни ҳимоя этишга ва унинг ҳукмронлигини сақлашга хизмат қилар эди. Биз мустақилликдан илгариги ўтган 70 йилдан кўпроқ вақт ичида давлатга қарамлик ҳолатида яшадик. Мамлакатдаги барча бойликларнинг, мулкнинг эгаси давлат, деб ҳисоблаб келдик. Очиғини айтганда, қайси масалани олманг, давлат манфаати биринчи ўринда, фуқаро, шахс манфаати эса деярли ҳисобга олинмаслиги эски Конституцияларнинг ҳар қайси моддасида яққол кўзга ташланар эди.

Бугунги Ўзбекистон Конституцияси эса бутунлай демократик ва халқчил бўлиб, унинг моҳияти **«инсон-жамият-давлат»** мантиқий йўналишига асосланган. Конституциямиз, юртбошимиз таъкидлаганларидек, **«жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни»** ўзида мужассамлаштирган. Асосий Қонун демократик жамиятнинг қарор топишига қўшган ҳисса шундан иборатки, у мавҳум жамият ёки умуман халқнинг эмас, балки муайян инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига қаратилгандир.

Эсингизда бўлса, шу йил май ойида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов республика ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўтказган учрашувида халқимиз ҳуқуқий тафаккурини юксалтиришда, унинг ислоҳотлар ижрочиси сифатидаги фаоллигини оширишда айнан учта субъект, яъни **инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар уйғунлигини таъминлаш** ўта муҳимлигини таъкидлагандилар.

Одамларнинг янги демократик қадриятларни идрок этишига кўмаклашишда, давлат ва фуқаролар уйғунлигини таъминлашда жамиятнинг роли беқиёс. Зеро, жамият субъекти бўлган турли ижтимоий-сиёсий тузилмалар, партиялар, ўз-ўзини бошқариш органлари, нодавлат ташкилотлари, маҳаллалар ва оммавий ахборот воситаларининг фуқаролар билан мустаҳкам алоқасини йўлга қўйиш, узвий боғлаш ҳам кишиларимиз ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади.

## ДЕМОКРАТИЯ МЕЗОНЛАРИ

Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиши масаласи қанчалик ҳал қилинганлигига ҳам боғлиқдир. Республикамизда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун Қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай бошлашига ва бу ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитдагина давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олдидаги ўз масъулиятларини ҳис этадилар. Бунинг учун, энг аввало, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш лозим.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов **«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида»** номли китобида жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон борлигини таъкидлайдилар: **«Булар — халқ қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир».** Бу уч мезон ўта муҳим бўлиб, шу нарса таъминланса, демократик жамият барпо этиш жараёнлари мумкин қадар тезлашади.

Йўлбошчимиз биз юқорида тилга олган май ойидаги учрашувда инсон, жамият ва давлат ўртасидаги узвийлик масаласига тўхталар эканлар, бир муқояса келтирган эдилар: шамол бақувват дарахтнинг юқори қисмини кучли силкитади, ўрта қисми енгил силкинади, дарахт танасига эса шамол таъсири сезилмайди. Худди шунингдек, давлат миқёсида агарки қонунлар, фармон ва қарорлар қабул қилинса, бу ҳужжатлар тепадан ўрта бўғин — жамиятга етиб келади, бундан жамият дарахт ўрта қисми сингари енгил силкинади. Бироқ бу қонунлар, қарорлар занжирнинг учинчи бўғини бўлган дарахт танаси — оддий фуқароларга баъзан етиб бормайди. Эндиги вазифа эса айнан шу уч субъект ўртасидаги узвийликни таъминлаш, уч субъектнинг тўлақонли фаолият кўрсатишига эришишдир.

## ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЗАРУРАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»**ги 1997 йил 25 июнь Фармони адолатли демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этаётган Ўзбекистон учун аҳоли ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, сиёсий фаоллигини ошириш демократик ислоҳотларнинг энг муҳим, устувор йўналишларидан бирига айланганлигидан далолат беради.

Фармонда мамлакатимизда ҳуқуқий давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳиятини аҳоли чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш — давлат бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, ўқув юртлари ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг энг долзарб вазифалари эканлиги таъкидланади.

Бу бежиз эмас. Чунки мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик давлатнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи 300 дан ортиқ қонунлар ва Олий Мажлиснинг қонунга тенглаштирилган қарорлари қабул қилинди. Бироқ, минг афсуски, аҳолининг анчагина қисми улар билан яхши таниш эмас. Кўпчилик ўзларининг ҳаёти, меҳнати, турмушига бевосита дахлдор бўлган Меҳнат, Фуқаролик, Солиқ кодекслари қонун-қоидаларидан бехабар эканликлари кишини ташвишлантирмай қолмайди. Қонунни билмасдан туриб унга амал қилиш мумкинми? Ҳуқуқий давлатда фақат Қонун устувор бўлса, унинг муқаддаслигини ҳамма бирдек тан олсагина адолат қарор топади.

## ОНГ ҲУР БЎЛСИН!

Эътибор берган бўлсангиз, бизда мустақиллик йилларида давлат барча ислоҳотларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиқди. Бугун мамлакат миқёсида аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш, ҳуқуқий тарбияни тубдан яхшилашга эътибор кучайтирилмоқда ва бу ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланмоқда. Бунинг боиси нимада?

Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида бу қуйидагича изоҳланади:

**Биринчидан**, жамият ҳаётини янада демократиялашнинг ҳозирги босқичи бугунги кунда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг узоқ муддатга мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

**Иккинчидан**, давлатнинг роли демократик тараққиётимизнинг пировард мақсади — фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадига асосланган ҳолда тубдан ўзгаришини кўзда тутади.

Яъни, шундай давлат ва ижтимоий тузилма яратиш керакки, унда кучли марказий ҳокимият ўз саъй-ҳаракатларини умуммиллий вазифаларга, чунончи, мудофаа, давлат хавфсизлиги ва фуқаролар хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта-молия ҳамда солиқ тизимларини шакллантириш, қонунлар қабул қилиш ва тараққиётнинг бошқа стратегик вазифаларига қаратмоғи лозим. Бошқа масалаларни ҳал қилиш эса аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилмоғи керак.

Албатта, ҳуқуқий ислоҳотлар басасини яратмай туриб, юртдошларимиз онгини тегишли даражада шакллантирмай туриб, қисқа давр ичида бу эзгу мақсадларга эришишнинг иложи йўқ. Бу жараёнда бутун жамият, ҳар бир фуқаронинг қатнашуви жуда муҳимдир. Шу боис ҳам бугун одамларнинг эскича психологиясини ўзгартириб, уларда янги ҳуқуқий онгни шакллантириш лозимлиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Хуллас, олий мақсад — адолатли демократик давлат қуришга жазм қилган эканмиз, энг аввало, ҳар биримиз ўз ҳуқуқ ва бурчларимизнинг мазмун-моҳиятини, қонунларнинг манфаатимизга хизмат қилишини чуқур англаб олишимиз, онгимизга сингдиришимиз ва ҳақ-ҳуқуқларимиздан фойдалана билишимиз керак. Шундай бўлсинки, **ҳар бир киши инсон эркинликлари—айни вақтда муайян бурч, мажбурият ва масъулият эканлигини чуқур ҳис қилиб турсин. Шу билан бирга**, **ҳуқуқий билимлар унинг учун нон ва сувдек зарурлигини ҳам тўлиқ тушуниб етсин.** Ана шундагина жамиятимизда ҳар бир одам ўзининг қадр-қимматини, бурч ва масъулиятини чуқурроқ ҳис эта бошлайди. Шу озод ва обод юртда яшаётганлигидан фахрланади, миллий ғурури ортади. Энг муҳими, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши англаган инсонгина истиқлол берган **энг улуғ ҳуқуқ — Ватан мустақиллигини** ҳимоя қилишга қодир бўлади.

**Аслиддин БОЛИЕВ.**





# ДЕМОКРАТИЯ ВА ИНСОН

*Кишан кийма,*
*Бўйин эгма,*
*Ки сен ҳам ҳур туғилгонсен!*

Абдулҳамид ЧЎЛПОН.

Нега аждодларимиз салтанатлари учун бу қадар аёвсиз жанг қилганлар? Фарангларнинг: «Конституция учун!» дея ҳайқириб кўчага чиққанларини тарих китобларидан ўқиганимда ҳайратланардим. Ватан учун — тушунарли, дину иймон учун — тушунарли, ор-номус учун — шарт, қадру қиммат ҳимоясига — мумкин... «Конституция учун?!» Нега? Минг-минг йиллар, асрий воқеалар силсилалари шуни кўрсатадики, Конституцияга эга бўлиш, унга таяниш, итоат қилиш, у бўйича яшаш, ундан ҳимоя топиш ҳамда уни ҳимоя қилиш лозим ва шартдир. Чунки **«ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қобусномадир» (И. Каримов).**

Конституция биз учун шундай азиз нарсадирки, уни ор-номусни асрагандай асрамоқ лозим. Чунки айнан Конституцияда Ватаннинг давлат суверенитети (I боб), халқ ҳокимиятчилиги (II боб), ундаги қонун устуворлиги (III боб) акс этади. Айнан у миллатнинг тилига давлат мақоми беради (4-модда), давлатни халқ иродасига бўйсундиради (2-модда), халқни ҳокимият манбаи сифатида эътироф этади (7-модда), унда ижтимоий ҳаётда сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги кафолатланади (12-модда), у инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қимматини дахлсиз, олий қадрият ҳисоблайди (13-модда).

Мустамлакачи чоризм ва большевизмнинг 130 йиллик зуғумидан сўнг халқимиз озодликка эришди ва унинг биринчи Конституциясида Инсон энг мўътабар мавқега кўтарилди.

Конституция эл иродаси устидан ўзбошимчалик қилишга, инқилобчиликка йўл қўймайди, чунки **«Халқ номидан фақат у сайлаган Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин»** (10-модда), собиқ совет тузумидагидай фикрга кишан солинмайди, чунки **«Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»** (12-модда).

Янги Конституциямиз, кўриб ўтганимиздек, теран тарихий-ҳуқуқий тажрибаларимиздан келиб чиқади, бугунги кунимиз воқеликларини (бозор иқтисодиёти, сиёсий ҳурфикрлик, ижтимоий адолат, маънавиятда миллийлик ва умуминсонийликни) акс эттиради ва эртанги келажакка чорлайди.

Демократия йўлидаги энг катта ва залворли қийинчилик кўпчилик учун мураккаб бўлган янгича тафаккурга ўтишдир.

Кеча «босмачи» ёмон эди, бугун «қизил аскар» — ёмон, кеча «коммунист» яхши эди, бугун «демократ» — яхши, деган билан кам нарса ўзгаради. Дунёни «яхши-ёмон», «бизникилар-бегоналар», «дўстлар-душманлар»га бўлиб кўришдан қутилишимиз, уни бутун мураккаблиги, инжалиги билан, турфа қирралари билан идрок этишга ўрганишимиз лозим.

Биз ҳаётни яхши келажакни кутишдан иборат, дея кўникдик. «Тўғри йўл»дан кетаётганимизни билдириш учун ҳар бир воқеани «бурилиш нуқтаси» атадик. Бирор фабрика қурилса — буни «коммунизм сари бир қадам» ҳисобладик. Каттароқ завод қурилса — «дадил қадам» дедик. Олдимизда — «коммунизм», ҳаётимиз — «коммунизм сари ҳаракат»дан иборат. Коммунизм хомхаёл эканлиги аён бўлгач, кўпчилигимиз, ҳатто унга унчалик ишонмаганларимиз ҳам ўзи йўқ нарсамизни йўқотгандек, гангиб қолдик.

Энди тузум бошқа, мақсад бошқа. Ҳуқуқий-демократик давлат — халқнинг хоҳиш-иродаси. Лекин шуни айтиш керакки, демократия — идеал эмас. Коммунизм — идеал эди, чунки тирик эмасди, ҳаракатни, ўзгаришни тан олмасди. Демократия эса ҳаракатдадир, шунинг учун мураккабдир, қарама-қаршиликларга тўладир.

Ёдингизда бўлса, социалистлар антагонистик қарама-қаршиликлар — капитализмнинг белгиси, унинг юқори ва сўнгги босқичи бўлган империализмда антагонизм авжига чиқади, «юқори» бошқаролмай қолади, «паст» эса чидолмай,бўйсунмай, қўяди ва натижада жаҳон бўйлаб социализм ғалаба қилади, дея таълим берардилар. Мана, марксизмга қарши ўлароқ, социализм қулади, капитализм эса ҳамон яшамоқда. Қарама-қаршиликлар ҳам яшамоқда.

Бугун кўрдикки, қарама-қаршиликлар социализмдан кучлироқ экан. Коммунистлар дунёни қарама-қаршиликлардан тозалаш учун бутун жаҳонга душман бўлдилар, ўз мамлакатларини ҳам қатағон билан ақлли, зиёли, уқувли, тадбиркор, оқил инсонлардан «тозаладилар». (Сталин партия ҳужжатларида қатағонни «чистка» — «тозалаш» деб ёзарди). Хусусий мулкни иқтисоддан қувғин қилдилар, халқнинг маънавий меросини — Баҳоуддин Нақшбандни, Аҳмад Яссавийни, Чўлпонни, Фитратни «социалистик маданият»дан қувғин қилдилар, ҳаққоний рост фикрни, ҳурфикрликни сиёсатга яқин йўлатмадилар — буларнинг барини жамиятдаги капиталистик «қарама-қаршилик»ни йўқотиш учун, «сафларни жипслаштириш» учун қилдилар. Сафлар жипс бўлмади. Қарама-қаршиликлар тугамади. Социализм тугади.

Авваллари биз ижтимоий қарама-қаршиликларни тезроқ тугатиш керак бўлган, тугатиш қийин кечаётган иллат ҳисоблардик.

Дунёнинг йўриғи анча мураккабдир. Уни текислашга, бир «йўлга солиш»га уриниш ҳам кулгили, ҳам ачинарли ҳаракатдир.

Бугун билдикки, қарама-қаршиликлар — иллат эмас, дунёнинг арқоғи ўзи қарама-қаршиликлардан ўрилган. Улар жамиятни емирмайди, аксинча, уни ҳаракатга келтиради, ҳаёт бағишлайди. Коммунизм андозасида қарама-қаршиликлар йўқ («ҳамма нарса текин», «пул ишлатилмайди», «ҳамма бахтиёр», «ҳамма тенг» ва ҳоказо), бу лойиҳада ҳамма нарса ҳал қилинган, у муаммолар, саволлардан холи, чунки у бор-йўғи андоза, у фақат қоғозда. Демократиянинг турган-битгани қарама-қаршилик, чунки у тирик, чунки у ҳаракатдадир.

Шунга қарамай, одамларда дунёни мовий рангда кўриш истаги кучли, ҳаётни қарама-қаршиликлари билан тасаввур қилишга, ўз фикрида ва ҳаракатида шу воқеликдан келиб чиқишга ўрганиш жуда мушкул. Айниқса, кечагина колониал тоталитаризм исканжасидан, идеократик фашизм чангалидан чиққан одамлар учун бу жуда оғирдир. Ҳали кимдир тадбиркорлик қилиб бойиса, ғаши келадиганлар кўп. Ҳали кимдир аччиқ рост гапни гапирса: «Шунга нима етмаяпти экан?» — дея елка қисадиганлар анча. Энди ҳаракатга келиш, ишлаш кераклигини англамай, тўрт мучаси соғ бўлса-да, қашшоқлигидан уялмай, нолиш қилиб юрганлар мўл. Ҳали демократиянинг хуш насимидан димоғини беркитиб юрган, янги замон кишиларининг оёғини чалиб ўтирган амалдорлар ҳам етарлидир.

Ҳа, дунёни қарама-қаршиликлари билан тасаввур қилиш учун донолик керак ва шу мураккаблик ичида ҳаракат қилиш учун тиришқоқлик лозим. Бу осон эмас. Шунинг учун «алмисоқдан қолган» дунё кўзимизга кўпинча адолатсиз кўринади, боболаримизнинг скептицизми: «Иброҳимдан қолган эски дўконни на қилай?!» жумласи кўз ўнгимизда жилва қилиб туради.

Биз энди бўй кўрсатаётган фикрлар плюрализмига кўниколмай турибмиз, ҳолбуки, унинг ортидан манфаатлар ва ҳаракатлар плюрализми ҳам шиддат билан ҳаётимизга кириб келмоқда, чунки демократик ислоҳотлар фақат гапиришда — сўз эркинлигида юз бераётгани йўқ, сиёсий соҳа билан бирга иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ислоҳотлар ҳам, қийинчилик билан бўлса-да, ўтказилмоқда. Мулкдорлар пайдо бўлди, бозор инфраструктураси шаклланмоқда, молиявий муносабатлар жадаллашмоқда,мураккаб жаҳон иқтисоди билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Буларнинг барига оддий одам дабдурустдан кўникиши қийин, албатта. Аммо кўникиш керак. Нафақат кўникиш, балким ана шу қарама-қаршиликлар талотўмида ўз ўрнини топиш, яшашга ўрганиш керак.

Демократияни қарама-қаршиликларни йўқотмайди, аммо уларни текислайди, келиштиради, деб ўйлайдиганлар ҳам бор. Аслини олганда, демократия иккиёқлама ҳаракат қилади: бир томондан, қарама-қаршиликларни келиштиради, мувозанатга солади, иккинчи томондан, уларни кескинлаштиради. Социализм жамиятдаги қарама-қаршиликларни тан олмаган, уларни йўқотишга уринган бўлса, демократия, энг асосийси: уларни тан олади ва ўз фаолиятида шу воқеликдан келиб чиқади.

Социализмда ҳамма ўз хоҳишларидан воз кечиб, бир мақсадга — коммунизм идеалларига хизмат қилиши кўзда тутилди. Манфаатлар бир қолипга солинди ва бир йўналишга йўналтирилди. Ҳеч ким бошқалардан яхши яшаши мумкин эмас. Кимки, яхши яшаш учун кўпроқ меҳнат қилса, елса, югурса, топган-тутгани мусодара этилади, ўзи қамалади. Ҳамма бир хил яшаши керак, бир хил ўйлаши, хоҳлаши лозим.

Демократия эса халқдан хавфсирамайди, халқнинг ўз-ўзини бошқаришга таянади, одамларга ҳуқуқ беради ва шунинг баробарида кўпроқ масъулият юклайди. Ўз-ўзини бошқариш ривожлангани сари манфаатлар турли-туманлиги ошади, манфаатлар бир-бири билан кесишади, тўқнаша бошлайди, чуқур ижтимоий қарама-қаршиликларга айланади. Социализм учун бу хавфли эди, аммо демократия бу қарама-қаршиликларни яққоллаштириб, тараққийпарвар йўналишга солади.

**Демократия — қийин муросалар ҳокимиятидир.** Табақалар йўқолмайди, аксинча, уларнинг манфаатлари, хоҳиш-истаклари турли томонларга йўналади, таранглашади. Инсон, агар лозим топса, ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашиши мумкин, уни ҳеч ким ҳақини талаб қилгани учун қувғин қилмайди. Демократиянинг мақсади синфларни, табақаларни йўқ қилиш эмас, уларнинг ўзаро муроса билан яшашидир. Худди шунинг учун ҳам демократия турли одамлар учун бирдай азиз ва қадрлидир.

Етиб бўлмайдиган ясама идеалларга интилиб яшашга ўрганган одамлар демократиядан ҳам мукаммаллик ахтарадилар, демократик ҳокимиятда ҳам идеал, комил одамларни кўришни истайдилар.

Аммо демократия социализмдан ҳукумат ўзгаргани билангина фарқ қилмайди. Йўқ, демократияда ҳокимиятдаги одам ўзгариши муҳим эмас, одамларнинг ҳокимиятга кўтарилиш тамойиллари ўзгаради, ҳокимиятнинг табиати янгиланади.

Демократияда ёмонларнинг ўрнига ундан ҳам баттарлари келиши мумкин. Туркия Буюк Миллат Мажлисига сайловлар пайти бир номзод меҳр қозонишнинг ўзига хос йўлини топганини — юз минглаб сайловчиси бор сайлов мавзеидаги ҳар бир сайловчини алоҳида Янги йил билан табриклаб почта орқали хат жўнатганини эшитгандим. Қозоқ ёзувчиси Мухтор Шоҳонов Қозоғистон парламентига сайловлар пайти бир депутатликка номзод ҳамма сайловчиларга бир пой туфли тарқатганини, агар сайловчилар унга овоз берсалар, иккинчи пойини ҳам беришга ваъда қилганини, шу йўсинда парламентга сайланганини ёзади. Шунга қарамай, барибир ҳаммаси бошқача, барибир янгичадир.

Чунки одамлар аста-секин ўз овозларининг қадрини англайдилар, ҳокимиятнинг шаклланиши уларга ҳам боғлиқ эканини тушуна бошлайдилар, иккинчи ёки учинчи мартадан сиёсий ироделарини бир пой пойафзалга алишмайдилар. Ана шу **сезилар-сезилмас жараён: ҳокимият объектининг — одамларнинг ўзгариши демократик ислоҳотлар учун ҳаммадан ҳам муҳимдир.**

Алексис Токвилнинг «Америка демократияси ҳақида» китоби 1835 йилда Парижда босилиб чиққанди. У ўша пайтдаёқ демократиялаштириш жараёнининг мураккабликлари ҳақида шундай ёзганди: **«Демократик бошқарувнинг камчиликлари ва ожизликлари дарҳол кўзга ташланади, бу камчиликларнинг исботи яққол кўриниб туради, демократиянинг ҳаётбахш таъсири эса кўзга ташланавермайди, зимдан зоҳир бўлади. Демократиянинг камчиликлари дарҳол кишини ҳайратга солади, унинг яхши сифатлари эса фақат вақт ўтиши билан кўринади».**

Ўз-ўзини бошқариш ривожланган сари ҳокимиятга номукаммаллиги аён одамлар ҳам келаверади, чунки сайловларнинг ўзи номукаммал йўл — ахир, сайловда сўзамоллигига ва ваъдаларига қараб сайлайдилар. Аммо демократиянинг бундан бошқа йўли йўқ.

Сайловларнинг афзаллиги халқнинг ҳокимиятга таъсир қилиш имкониятидадир.

Биз ҳокимият яхши одамлардан иборат бўлишини талаб қиламиз, чунки бизни яхши одамлар бошқаришини хоҳлаймиз. Аслида демократияда биз ўзимизни ўзимиз бошқаришимиз керак, ўзимизни ўзимиз эплашимиз, ўз қадримизни билишимиз лозим, шунда унчалик яхши бўлмаган ҳокимият ҳам барибир фаровонлик сари етаклайверади.

**Карим БАҲРИЕВ.**

(Давоми бор)

